ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЯНГИЙЎЛ ШАҲАР
ҲОКИМИ

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛАСТЬ
ХОКИМ
ГОРОДА ЯНГИЮЛЬ

ҚАРОР
РЕШЕНИЕ

2020 йил «16» март № 43 Янгийўл ш.

Янгийўл шаҳар ҳокимининг 12.02.2020 йилдаги 38-сонли қарорини бекор қилиш тўғрисида

2020 йил 12 февралда “Янгийўл шаҳар Халқ таълими бўлими ҳамда мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги муассасаларда 2019-2020 ўқув йилининг 2-ярим йиллик учун синфлар, ўқувчилар сони ва гуруҳларни тасдиқлаш тўғрисида” шаҳар ҳокимининг 38-сонли қарори қабул қилинган.

Янгийўл шаҳар адлия бўлимининг 2020 йил 06 март кунидаги 1-79/20-сонли тақдимномасида мазкур қарор “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПФ-5415-сонли “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сонли “Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабларига кўра адлия идораларидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қабул қилинганлиги сабабли бекор қилиш сўралган.

Юқорида баён қилинганларга кўра ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,25-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Янгийўл шаҳар адлия бўлимининг норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган ҳужжатлари ҳудудий адлия бўлими томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қабул қилинишига олиб келган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги 2020 йил 06 март кунидаги 1-79/20-сонли тақдимномаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2.Шаҳар ҳокимининг 2020 йил 12 февралдаги “Янгийўл шаҳар Халқ таълими бўлими ҳамда мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги муассасаларда 2019-2020 ўқув йилининг 2-ярим йиллик учун синфлар, ўқувчилар сони ва гуруҳларни тасдиқлаш тўғрисида” 38-сонли қарори бекор қилинсин.

3. “Янгийўл шаҳар Халқ таълими бўлими ҳамда мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги муассасаларда 2019-2020 ўқув йилининг 2-ярим йиллик учун синфлар, ўқувчилар сони ва гуруҳларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор лойиҳаси белгиланган тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Янгийўл шаҳар

адлия бўлимига юборилиб, ижобий хулоса олинганидан сўнг қарор қабул қилиниши таъминлансин.

4.Ушбу қарор ижроси ҳокимлик бош юрисконсульти С.Джамаловга, назорати ҳоким ўринбосари Р.Сайлиев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **Ф.Мирзаев**